

Чап оёгимда кутилмаганда дахшатли огрикни хис килган пайтимда Бродвейдаги Минди ресторанида эдим. Огрикка чидолмай ўрнимдан сакраб турдим ва болохонадор килиб сўкиндим.

Менга «паровозча» ўрнатишганини ва шу атрофда хазилкаш Жо-турли хазиллар устаси турганлигини сездим.

«Паровозча» нималигини билмокчимисиз? Ресторанга кирган одамнинг поябзали устига гугурт чакиб кўясиз. Шу захоти хаммани кулдирадиган воқеа бошланади.

Хазилкаш Жо бу борада устаси фаранг бўлиб кетган. У «курбони» ёнига шундай сездирмасдан келадики, касам ичиб айтишим мумкин: Жо хатто сичконнинг оёгига ҳам «паровозча» кўя олади, албатта сичконнинг поябзали бўлса. Агар бирортаси ортикча жахлга минса ҳам у вазиятдан чикиб кета олади. Кимматбахо поябзал кийганлар эса тез-тез у билан жикиллашиб туришади.

Аммо Жога кимнинг канака поябзалда кирганлигининг фарқи йўк. Бир куни у шахсан кайсар Френкига «паровозча» кўйганида кўпчиликнинг кўнглидан бир фикр ўтди: бу яхшиликка олиб келмайди.

...Кайсар Френки Бруклинда яшайди, у бу ерда анчагина хурматли одам. Хар калай унга бунака хазилларни килиш тўгри келмайди. Бунинг устига Френкида хазил туйгусидан асар ҳам йўк, унинг кулганини хали ҳеч ким эшитмаган. Френки Бродвейда бронкслик аллакандай кишилар билан гаплашиб турганида Жо унга «паровозча» уюштирди.

Албатта у кулгани йўк, аксинча, Жога қахр билан тикилди ва италянчалаб нимадир деди. Кайсар Френкининг хакикий фамилияси италянча, Фероччо деганга ўхшаш бўлиб, уни асли ситсилиялик деб эшитгандим. У Бруклинда анчадан буён яшайди. Френки ишни майда сотувчиликдан бошлаган бўлиб, ҳозир йирик савдогарга айланганди. Унинг ёши ўттиздан ўтган, сочлари коп-кора, нигоҳи кишига ўткир бокарди.

Ҳеч ким у ҳақда бундан ортик нарса билмайди.

Жо унга хазил килганида мен галати бўлиб кетдим. Назаримда, Френки бу хазилни ҳақорат деб тушунган ва бутун Гарлемдагиларга ўчакишиб колганди.

Жога ҳаддидан ошиб кетганлигини айтишганида эса у кулиб кўйганди, холос. Френкида хазил туйгусининг йўклиги Жонинг айби эмас экан. У кулай пайт келса бу хазилини яна такрорлашини ҳам кистириб ўтганди...

Мен ҳақ бўлиб чиқдим: ёнимда хазилкаш Жо турар ва корнини чангаллаганча куларди. Энг ёмони, унга кўшилиб бир гуруҳ бекорчилар ҳам кулишар, Жо атрофда ҳеч ким йўклигида хазил килмасди. У билан кўришгани кўл узатдим. Шу захоти яна гумбурлаган кулги овозлари янгради, Жонинг мен билан сўрашган кўлида юмшок ва ёпишкок пишлок бўлаги бор экан.

Ўлганимнинг кунидан илжайдим. Жо кўлидаги пишлок колдигини ресторан бурчагида турган машина ойнасига артганида эса чин кўнгилдан хоҳоладим.

Жодан акаси икковига тегишли пивохонада ишлар қандай кетаётганлигини сўрадим. У ишлар жойида эканлигини айтди. Кейин эса унинг хотини ва менинг эски танишим Роза хақида сўрадим: уни «Хот Бокс» барида кўшиқ айтган пайтидан бери билардим.

Роза хақидаги саволимни эшитган Жо хитоб килди:

-Берган саволингни кара-ю! Эшитмадингми? У мени ташлаб кайсар Френки билан топишиб олганига икки ой бўлди. Ҳозир у Бруклинда, Френкига якин жойда яшайпти.

Шу пайт у корнини чангаллаганча кула бошлади. Нихоят у кулгидан тўхтади ва мен ундан

бунинг нимаси кулгили эканини сўрадим.

-Нега кулгили бўлмасин,-деди Жо.-Бу макарончи Розага канча пул сарфлаши кераклигини билганида канача ахволга тушишини тасаввур қиляпман. Тўгри, Френкининг Бруклинда бизнеси бор, аммо Роза уни ташлаб кетмаслиги учун анча пул сарфлашига тўгри келади.

У шундай вазиятда ҳам хазил туйгусини йўқотмаганлиги мени хайрон қолдирди.

Маълум бўлишича, кайсар Френки Розани у эрга тегишидан олдин ҳам яхши таниган. У тез-тез «Хот Бокс» барига келиб турган ва хатто Роза эрга текканидан кейин ҳам у билан баъзан учрашиб турган. Френкининг бизнесдаги ишлари юришиб кетгач эса улар кунора кўриша бошлашган. Жо албатта бу ҳақда билмаган. Унинг ўша пайтларда иши орқага кетган ва хотинига у хоҳлаган ҳамма нарсани сотиб олиб беришга қурби етмаган. Роза эса ўзи истаган нарсани олиб бермаган эркакларга токат қилмади.

Жо кайсар Френкига кўпол хазил қилади, Френки эса Розани Бруклинга олиб кетади.

-Нима ҳам дердим,-дедим унинг хикоясини эшитиб бўлгач,-бунақа гапларни эшитиш ёқимсиз. Сенга ачинаман...

-Яхшиси, кайсар Френкига ачин,-кувноклик билан жавоб қайтарди Жо.-Агар бу сенга камлик қилса, Розага ҳам ачин.

Нихоят Жо уйига кетишга тараддудланди, аммо аввал тамаки дўконидagi телефондан Минди ресторанига кўнгирик қилди. У аёллар овози билан Пегги Жойс эканлигини, кайсидир бир манзилга тўй маросими учун олти юз дона бутербродга буюртма бермокчилигини айтди. Албатта, ундай манзилнинг ўзи йўқ, бўлган тақдирда ҳам ҳеч ким унча бутербродга пул тўлашни истамайди.

Кейин Жо машинасига ўтирди ва уйига жўнади.

Бир неча кундан кейин Бруклинда Жонинг пивохоносида ишлайдиган икки йигитнинг қопга солинган жасади топилганини газетада ўқиб қолдим. Политсиядагилар улар кайсар Френкининг бизнесига халакит беришга уринишганини айтишарди. Аммо бирорта ҳам политсиячи уларни Френки ўлдирганини таъқидлай олмасди. Чунки бунга ҳеч қандай далил йўқ эди.

Қоп билан боғлиқ воқеа шунчаки иш эмас, бунга маҳорат керак. Одамни қопга тикиш учун аввал уни ухлатиш керак, ахир қайси аҳмоқ қопга ўзи тушади. Бунинг учун уйку дори бериш керак дейишади, аммо хақиқий мутахассисларнинг фикрича, қопга солмокчи бўлган одамнингнинг бошига тўқмок билан яхшилаб тушириш қифоя.

Хуллас, одамнинг бўйнига сиртмок солишади ва арконнинг бир учини тиззалари орқасидан ўтказиб боғлашади. Уни шу ҳолатда қопга тикишади ва бирор жойга ташлаб кетишади. Бечора ўзига қелгач, қопдан чиқишга уринади. У буқилган тиззаларини тўғриламакчи бўлади ва бўйнидаги сиртмок тортилиб, бир оздан кейин бўғилиб ўлади. Икки кундан кейин Клинтон-стритда сайр қилиб юрган икки бруклинликни номаълум шахслар бўғиб ўлдиришганини эшитдим. Айтишларича, ўлганлар кайсар Френкининг дўстлари, уларни ўлдирганлар эса гарлемликлар экан.

Тез орада Бруклинда галати воқеалар юз бераётганини тушундим. Бир ҳафтадан кейин у ерда қопга солинган яна бир жасад топилди. Бу сафарги қурбон хазилкаш Жонинг акаси Фредди эди.

Иш шунга бориб етдики, бруклинликлар картошка солинган қопни ўзлари очгани қўриқиб қолишди ва бунинг учун политсия чакирадиган бўлишди.

Бир кун кечқурун хазилкаш Жони кўриб қолдим. Бу сафар у ёлғиз ўзи ўтирарди ва унинг нимадандир ташвишда эканлигини кўриб халакит бергим қелмади. Унинг ёнидан

Ўтиб кетмокчи эдим, кўлимдан тутиб тўхтатди. Унга акасининг ўлими сабабли таъзия билдирдим.

-Нима дейишмасин, Фредди ахмоклик килди,-деди Жо.-Роза уни Бруклинга таклиф килган. У Фреддидан мени Роза билан расман ажрашишга унатишни сўрамокчи бўлган. Бечора акам Роза иккимизни яраштирмокчи бўлганди, бунинг ўрнига копга солинди. Уни Розаникидан кайтаётганида ушлашган. Бунда Розанинг хам кўли бор деёлмайман, аммо акам унинг айби билан ўлди.

Жо кулди, аммо унинг кулгиси менга галати туюлди. Жо гапини давом эттирди:

-Мен кайсар Френкига зўр хазил килмокчиман.

-Йўк, Жо,-дедим мен.-Яхшиси, уни унут. Унда хазил туйгуси йўк.

-Э йўк,-эътироз билдирди Жо,-мендан Розани тортиб олишга хазил туйгуси бўлди-ю.

Эшитишимча, у Розани каттик севаркан. Мен зўр хазил тайёрлаб кўйганман-Френкининг олдига копда ўзим бораман.

Унинг нимани мўлжаллаганини тушунмадим.

-Сент-луислик огайним кайсар Френкининг коплар билан боглик буюртмаларини бажаради. Унинг исми Роупс Макгонигл. У Фредди менинг акам эканлигини эшитиб газабга минди ва Френкига хазил килишимда ёрдам бермокчи. Кеча Френки Роупсни уйига чакирган ва мени копга солиб унинг олдига олиб келишини сўраган. У Розадан акамнинг нима деганини эшитган. Мен акамга у билан хеч қачон ажрашмаслигимни айтгандим. Хуллас, Роупс менга хамма гапни айтиб берди ва мен уни яна Френкининг олдига жўнатиб юбордим. Мен эртага кечкурун Бруклинда бўламан ва Роупс мени кийналмасдан копга жойлайди.

-Кайсар Френкининг олдига копда боришдан хавфлирок нарса бўлмаса керак,-дедим.-Бу канака хазил эканлигига тушунмадим.

-Нимасини тушунмайсан!-хитоб килди Жо.-Хазилим шуки, мен копда кўл-оёгим боглик холда бўлмайман ва иккала кўлимда тўппонча бўлади. Копни очганида рўпарасида тўппонча билан мен пайдо бўлсам Френки қандай ахволга тушишини кўз олдингга келтириб кўр.

Хакикатан хам Жо иккита тўппонча ушлаб кайсар Френкининг олдида пайдо бўлганида унинг қандай таажжубга тушишини тасаввур килса бўлади.

-Айтганча,-деди Жо,-Роупс Макгонигл хам хар эхтимолга қарши ўша ерда бўлади.

Жо кетди, мен бўлсам унинг коп ичидан тўппонча билан чикишини тасаввур килиб илжайдим.

Шундан кейин Жо билан учрашмадим, аммо бу воқеа нима билан тугаганини айтиб беришди.

Роупс келтирган копни кайсар Френкининг ўзи ертўлага олиб тушибди. У ёнидан тўппонча олиб Жо ётган копни очиб ўтирмасдан унга қарата олтига ўк узибди.

Айтишларича, ертўлага политсиячилар бостириб кириб уни котилликда айблашганида Френкининг кўзи чаногидан чикиб кетай дебди.

Маълум бўлишича, Роупсдан Жонинг режаси хакида маълумот олган кайсар Френки копдаги қурбонини бир ёкли килмокчи бўлган. Табиийки, Роупс бу ҳақда Жога айтган ва у ўзининг хеч қимда йўк хазилкашлик махоратини ишга солган.

Кайсар Френкига олиб борилган копга эса албатта Жо эмас, балки оёк-кўли богланган, огзига латта тикилган Роза солинган экан.

Рус тилидан Дилшодбек Аскарлов таржимаси